Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 26 октябрь, пайшанба. №131. (21.894). Сотувда эркин нархда.

МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИКДАН ЯЛПИ ХАВФСИЗЛИК САРИ

Нью-Йорк, 24 октябрь (Фахриддин Низом, ЎзА). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг эллигинчи юбилей сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

Бугун куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилганига эллик йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган Бош Ассамблеянинг тантанали мажлисида нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти анжуман иштирокчиларига қарата мурожаат қилар экан, улар эътиборини Марказий Осиёда юзага келган муаммоларга қаратди. Хусусан, Орол денгизи муаммосини мазкур халқаро ташкилот ва молиявий муассасалар кўмагисиз ҳал этиш мумкин эмаслигини таъкидлади. БМТ Хавфсизлик Кенгашини Афғонистондаги минтақа барқарорлигига хавф солаётган биродаркушлик уруши бартараф этишдаги ва бу ерда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлларини белгилаб олиш мумкин.

Бу айниқса улкан табиий, минерал-хом ашё, стратегик ресурсларга эга бўлган, кўпгина мамлакатларнинг жўғрофий-сиёсий, иқтисодий манфаатлари ва даъволари кураши майдонига айланиб бораётган Марказий Осиё минтақаси учун жуда муҳимдир.

Афғонистонда давом этаётган уруш Марказий Осиёнинггина эмас, бутун дунёнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиб турибди. Мана, 17 йилдан бери давом этаётган, афғон халқи бошига мислсиз **кулфатлар солган, халқаро терроризм, наркобизнес, қуролларнинг тарқалиши манбаи бўлиб қолаётган бу уруш кўшни Тожикистондаги шусиз ҳам таранг вазиятни янада кескинлаштирмоқда.**

Бизнинг фикримизча, Афғонистондаги кескинликни ҳал қилиш калити энг аввало, ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этишдадир.

Биз яна бир бор БМТ Хавфсизлик Кенгашига ким томондан бўлмасин, Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаб қўйиш таклифи билан мурожаат қиламиз.

Афғонистон уруш эмас, тинчлик ва барқарорлик объекти бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси кўпгина халқаро тузилма ва компаниялар қўллаб-қувватлаётган, Афғонистон ҳудуди орқали Ҳинд океани портларига чиқадиган темир йўл, автомобиль коммуникациялари қуриш бўйича яхши-яхши лойиҳаларнинг амалга ошишидан манфаатдордир.

Бу миллионлаб афғонларни тинч меҳнат билан банд қилиш, янги, нисбатан қисқароқ коммуникациялар ва савдо, иқтисодий алоқаларни шакллантириш, дунёнинг бу энг кескин минтақасидаги жўғрофий-сиёсий ҳолатларни тубдан ўзгартириш имконини беради.

Бу юксак минбардан туриб, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик фожиа, **бутун ер юзини қамраб оладиган, биосфера, ўнлаб миллион кишиларнинг ҳаёт шароитлари, саломатлиги ва наслига халокатли таъсир кўрсатувчи муаммо** тўғрисида гапирмай ўтолмайман.

Бугунги кунда халқаро молия тузилмалари ва ривожланган мамлакатларнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда кўмагисиз, БМТнинг ташкилотчилик фаолиятисиз бу муаммони ҳал этиш мумкин эмаслиги аниқ ва равшандир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмаларини ислоҳ қилиш, унинг фаолиятининг самарадорлигини ошириш зарурлиги тўғрисида гапирилар экан, қуйидагиларни амалга ошириш зарур бўлиб кўринади:

биринчидан, Хавфсизлик Кенгаши сафини кенгайтириш, унга мисол учун бугунги кунда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган Германия ва Япония сингари давлатларни доимий аъзо сифатида киритиш лозим;

иккинчидан, БМТ қабул қилган қарорларни тезкорлик билан амалга ошириш учун БМТ Бош котиби ваколатларини кучайтириш лозим;

учинчидан, зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш манфаатларини кўзлаб, БМТнинг халқаро минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатини кучайтириш зарурлиги ҳам, бу ташкилотнинг ўзига қарашли минтақавий тузилмаларини янада ривожлантириш зарурлиги ҳам тобора аён бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда тобора кенг тарқалаётган, хусусан бизнинг минтақамизда кенг тарқалаётган қурол савдоси улар учун муҳим валюта манбаларидан бири бўлиб қолаётганини яширишаётгани ҳам йўқ. Ҳолбуки, улар бу қурол **эртага кимга қарши қаратилиши ва қайси мақсадларда ишлатилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаяптилар.**

Қандай тинчлик ваъдалари билан ниқобланган бўлмасин, **ядровий технологияларни сотиш бўйича** лойиҳаларни амалга оширишда ҳам бу манфаатлар кўзланаётгани айниқса жиддий ташвиш уйғотади.

Ўзбекистон оммавий қирғин қуролини тарқатмасликни таъминлаш бўйича керакли халқаро кафолатларнинг қабул қилиниши, ядро синовларини бутунлай тўхтатиш ҳақидаги шартноманинг тезда тузилиши тарафдоридир.

Биз айрим жойларда эшитилаётган, бизни қайтадан ҳарбий-сиёсий ва блоклар қарама-қаршилигига қайтариш хусусидаги баландпарвоз баёнотлар билан асло келиша олмаймиз.

Биз учун ягона тўғри йўл — ҳалокатли равишда ўз қобиғига ўралиб қолиш эмас, балки бу жараёнда маълум қийинчилик ва номукаммалликлар мавжудлигига қарамасдан, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидир.

Собиқ совет ҳудудида барпо бўлган янги мустақил давлатлар ўзининг миллий давлатчилиги асосини шакллантираётган, демократик янгиланишлар йўлидан бораётган бугунги кунда улар ислоҳотларни амалга ошириш ва ўзларининг халқаро сиёсий, иқтисодий ва молиявий тузилмаларга қўшилишини тезлаштиришда жаҳон ҳамжамиятининг кўмаги ва қўллаб-қувватлашига муҳтождир.

Мен моддий ва молиявий ёрдамнигина эмас, энг аввало — суверенитетимиз ва тараққиётимизнинг мустақил йўлини маънавий-сиёсий қўллаб-қувватлашни назарда тутяпман.

Ислоҳотларнинг изчиллиги ва олга босишини, демократиялаштириш ва эркин бозор иқтисодиёти йўлининг тўғрилиги, барқарорлик ва мунтазам ривожланиш, барча тинчликсевар мамлакатлар билан ўзаро фойдали, тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйишни бундан буён ҳам таъминлаб бориш, шу билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш биз учун ўта долзарб вазифадир.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БОШ АССАМБЛЕЯНИНГ МАХСУС ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Жаноб Раис!

Бош котиб жаноби олийлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Менга берилган имкониятдан фойдаланиб, назаримизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юбилей сессиясида муҳокама этилаётган муаммолар орасида муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларга тўхталмоқчи эдим.

Ҳозирги замондаги энг долзарб масалалардан бири — минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масаласи ҳисобланади.

Шу йил сентябрь ойида БМТ Бош котиби жаноб Бутрос Бутрос Ғолийнинг бевосита кўмаги билан **31 давлат ва 6 халқаро ташкилот** иштирокида ўтказилган Марказий Осиёда Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Тошкент семинар-кенгаши **дунё хавфсизлиги йўли минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали ўтиши,** бошқача айтганда, **минтақалар хавфсизлигини таъминлаш йўли билан жаҳон хавфсизлиги таъминланиши** ҳақидаги ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади.

Муайян минтақаларда, хусусан бугунги кунда **«оловли нуқталар»** деб аталаётган минтақаларда жойлашган давлатларнинг бир-бирини ўзаро англаши ва биргалашиб ҳаракат қилишини таъминлабгина бутун дунёда тинчлик ва барқарорликка эришиш йўлларини белгилаб олиш мумкин.

Бу айниқса улкан табиий, минерал-хом ашё, стратегик ресурсларга эга бўлган, кўпгина мамлакатларнинг жўғрофий-сиёсий, иқтисодий манфаатлари ва даъволари кураши майдонига айланиб бораётган Марказий Осиё минтақаси учун жуда муҳимдир.

Афғонистонда давом этаётган уруш Марказий Осиёнинггина эмас, бутун дунёнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиб турибди. Мана, 17 йилдан бери давом этаётган, афғон халқи бошига мислсиз **кулфатлар солган, халқаро терроризм, наркобизнес, қуролларнинг тарқалиши манбаи бўлиб қолаётган бу уруш кўшни Тожикистондаги шусиз ҳам таранг вазиятни янада кескинлаштирмоқда.**

Бизнинг фикримизча, Афғонистондаги кескинликни ҳал қилиш калити энг аввало, ташқи кучларнинг аралашувини бартараф этишдадир.

Биз яна бир бор БМТ Хавфсизлик Кенгашига ким томондан бўлмасин, Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаб қўйиш таклифи билан мурожаат қиламиз.

Афғонистон уруш эмас, тинчлик ва барқарорлик объекти бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси кўпгина халқаро тузилма ва компаниялар қўллаб-қувватлаётган, Афғонистон ҳудуди орқали Ҳинд океани портларига чиқадиган темир йўл, автомобиль коммуникациялари қуриш бўйича яхши-яхши лойиҳаларнинг амалга ошишидан манфаатдордир.

Бу миллионлаб афғонларни тинч меҳнат билан банд қилиш, янги, нисбатан қисқароқ коммуникациялар ва савдо, иқтисодий алоқаларни шакллантириш, дунёнинг бу энг кескин минтақасидаги жўғрофий-сиёсий ҳолатларни тубдан ўзгартириш имконини беради.

Бу юксак минбардан туриб, Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик фожиа, **бутун ер юзини қамраб оладиган, биосфера, ўнлаб миллион кишиларнинг ҳаёт шароитлари, саломатлиги ва наслига халокатли таъсир кўрсатувчи муаммо** тўғрисида гапирмай ўтолмайман.

Бугунги кунда халқаро молия тузилмалари ва ривожланган мамлакатларнинг қўллаб-қувватлаши ҳамда кўмагисиз, БМТнинг ташкилотчилик фаолиятисиз бу муаммони ҳал этиш мумкин эмаслиги аниқ ва равшандир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмаларини ислоҳ қилиш, унинг фаолиятининг самарадорлигини ошириш зарурлиги тўғрисида гапирилар экан, қуйидагиларни амалга ошириш зарур бўлиб кўринади:

биринчидан, Хавфсизлик Кенгаши сафини кенгайтириш, унга мисол учун бугунги кунда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган Германия ва Япония сингари давлатларни доимий аъзо сифатида киритиш лозим;

иккинчидан, БМТ қабул қилган қарорларни тезкорлик билан амалга ошириш учун БМТ Бош котиби ваколатларини кучайтириш лозим;

учинчидан, зиддиятли вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш манфаатларини кўзлаб, БМТнинг халқаро минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатини кучайтириш зарурлиги ҳам, бу ташкилотнинг ўзига қарашли минтақавий тузилмаларини янада ривожлантириш зарурлиги ҳам тобора аён бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда тобора кенг тарқалаётган, хусусан бизнинг минтақамизда кенг тарқалаётган қурол савдоси улар учун муҳим валюта манбаларидан бири бўлиб қолаётганини яширишаётгани ҳам йўқ. Ҳолбуки, улар бу қурол **эртага кимга қарши қаратилиши ва қайси мақсадларда ишлатилиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаяптилар.**

Қандай тинчлик ваъдалари билан ниқобланган бўлмасин, **ядровий технологияларни сотиш бўйича** лойиҳаларни амалга оширишда ҳам бу манфаатлар кўзланаётгани айниқса жиддий ташвиш уйғотади.

Ўзбекистон оммавий қирғин қуролини тарқатмасликни таъминлаш бўйича керакли халқаро кафолатларнинг қабул қилиниши, ядро синовларини бутунлай тўхтатиш ҳақидаги шартноманинг тезда тузилиши тарафдоридир.

Биз айрим жойларда эшитилаётган, бизни қайтадан ҳарбий-сиёсий ва блоклар қарама-қаршилигига қайтариш хусусидаги баландпарвоз баёнотлар билан асло келиша олмаймиз.

Биз учун ягона тўғри йўл — ҳалокатли равишда ўз қобиғига ўралиб қолиш эмас, балки бу жараёнда маълум қийинчилик ва номукаммалликлар мавжудлигига қарамасдан, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш йўлидир.

Собиқ совет ҳудудида барпо бўлган янги мустақил давлатлар ўзининг миллий давлатчилиги асосини шакллантираётган, демократик янгиланишлар йўлидан бораётган бугунги кунда улар ислоҳотларни амалга ошириш ва ўзларининг халқаро сиёсий, иқтисодий ва молиявий тузилмаларга қўшилишини тезлаштиришда жаҳон ҳамжамиятининг кўмаги ва қўллаб-қувватлашига муҳтождир.

Мен моддий ва молиявий ёрдамнигина эмас, энг аввало — суверенитетимиз ва тараққиётимизнинг мустақил йўлини маънавий-сиёсий қўллаб-қувватлашни назарда тутяпман.

Ислоҳотларнинг изчиллиги ва олга босишини, демократиялаштириш ва эркин бозор иқтисодиёти йўлининг тўғрилиги, барқарорлик ва мунтазам ривожланиш, барча тинчликсевар мамлакатлар билан ўзаро фойдали, тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйишни бундан буён ҳам таъминлаб бориш, шу билан жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш биз учун ўта долзарб вазифадир.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

ПАРТИЯМИЗ ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА

Партиямиз Низоми ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг қарорига биноан, шу йил ноябрь-декабрь ойларида партия гуруҳлари, цех ва бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилади. Шу муносабат билан кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида партиямиз Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари иккинчи котиблари кенгаши бўлди.

Уни Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов кириш сўзи билан очди. Кенгашда Ўзбекистон ХДП МК котиби Ҳ. Авезов партиямиз ҳаётидаги бу муҳим сиёсий мавсумга тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишда партия кенгашларининг вазифалари, Ўзбекистон ХДП МК котиби И. Кочмарик ХДП кенгашларининг молиявий-хўжалик фаолиятини ривожлантириш тўғрисида маъруза қилдилар. Шунингдек, тадбирда бошланғич ташкилотлар фаолиятининг устивор йўналиши бўлган ғоявий, ташвиқий-тарғибий ишларни янада кучайтириш, кўппартиялилик шароитларида партия кенгашларининг жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлиги масалалари хусусида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Кенгашда ҳисобот-сайлов йиғилишларига пухта тайёргарлик кўриш, уларда эркин ва ошкора фикр алмашиш муҳити яратилиши зарурлиги, Ўзбекистон ХДП МК, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари, тегишли тафтиш комиссияларининг аъзолари, партиямиздан сайланган барча даражадаги депутатларнинг йиғилишларни тайёрлашда ҳамда уларни ўтказишда фаол иштирок этишининг мақсадга мувофиқлиги, ушбу йиғилишларнинг ташкилотларимиз ҳаёти ҳамда фаолиятини янада демократиялаштиришга, ХДП аъзоларининг республика раҳбарияти ўтказаётган ислоҳотлар йўли, дастурий мақсадларимиз рўёбга чиқарилиши учун масъулиятини оширишга хизмат қилишлигига эришиш лозимлиги алоҳида уқтирилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Мана бу чеҳрасидан табассум яққол балқиб турган қиз бугунги меҳнатидан завқланмоқда. Ахир завқланмай ҳам бўладими? У йиллик режасини ортиғи билан уддалаган Андижон вилояти ва Пахтаобод туманининг меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшди-да. Қолаверса, ўзи меҳнат қилаётган «Маданият» ширкатлар уюшмасининг 3-бўлим, 4-бригадаси хирмонининг юксалишига баракали улуш қўшди. У тенгдош дугоналари билан мусобақалашиб ишлаб, кўпчиликка ибрат бўлаяпти.

Шуниси қувончлики, илғор теримчи Умидахон Бураҳимова фақат хирмонга барака киритибгина қолгани йўқ. Қилган меҳнатининг самараси оила бюджетида ҳам ўз аксини топяпти. Зеро, қўлда терилган пахтага тўланадиган ҳақнинг оширилиши наинки уни, балки бутун теримчиларни илҳомлантирди. Шу боис Умидага ўхшаган чеварларнинг ғайрат-шижоати билан мамлакатимизнинг «оқ олтин» хирмони тобора юксалиб, қўкларга бўй чўзаётир.

СУРАТДА: Умидахон Бураҳимова.

Абдуваҳоб УСМОНОВ олган сурат.

«ОҚ ОЛТИН» хирмонига

ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 25 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан буён
АНДИЖОН	**0,31**	**109,45**
ХОРАЗМ	**0,17**	**103,60**
НАМАНГАН	**0,41**	**102,31**
ФАРҒОНА	**0,48**	**101,14**
Навоий	0,65	98,65
Бухоро	0,61	97,03
Қашқадарё	0,93	91,93
Тошкент	1,08	91,86
Сурхондарё	0,85	84,08
Қорақалпоғистон Республикаси	0,64	83,83
Самарқанд	0,88	82,23
Сирдарё	1,02	79,50
Жиззах	1,00	77,16
Республика бўйича:	**0,70**	**92,23**
1994 йилда	**0,71**	**88,78**

«Ўзбекистон овози» таҳририятига

ЗАФАР ШОШИЛИНЧНОМАЛАРИ

Сирдарё вилоятининг Гулистон тумани пахтакорлари катта зафар қучдилар. Давлатга 26 минг 550 тоннадан зиёд пахта сотилиб, бу борадаги йиллик режа ошириб адо этилди.

***

Республикамизнинг шимолидаги Қораўзак туман пахтакорлари, механизаторлари 11 минг 50 тонна пахта топшириб, белгиланган режани ошириб бажаришди.

Туман пахтакорлари, механизаторлари яна 1200 тонна пахта териб топширишга қарор қилдилар.

***

Бухоро вилоятининг икки тумани — Шофиркон ва Ромитан тумани пахтакорлари маррага етишди. Шофиркон тумани пахтакорлари она-Ватан хирмонига 34 минг 200 тонна юқори сифатли дурдона етказиб беришди. Ромитан тумани заршунослари эса ундан ҳам кўп — 39 минг 400 тонна дурдона етказиб бериб, йиллик топшириқни уддалашди.

Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

***

Қашқадарё вилоятининг Касби тумани деҳқонлари қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида режаларни ошириб уддалашяпти. Айниқса, пахтакорлар эришган натижа қувончли бўлди. Чўлқуварлар мамлакатимиз хирмонига 57 минг 100 тонна пахта етказиб беришди. Шуниси қувончлики, чўл ерларнинг ҳар гектаридан 28 центнердан қимматбаҳо хом ашё йиғиштириб олинди. Миришкорларнинг нияти — ялпи хирмон салмоғини 65 минг тоннага етказиш.

70 КИШИ ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАН

«Обуна — 96»

Бу йил «Китоб» агрофирмасининг 423 гектар узумзори шундай ҳосилга кирдики, боғбонлар шошиб қолишди. Режадаги 8,5 минг тонна ўрнига, 8700 тонна узум етиштирилди.

— С. Марқаев, Р. Бозоров, Т. Абдиев каби моҳир боғбонлар бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 350—400 центнердан ошди, — дейди агрофирма касаба уюшмаси раиси Абдувоҳид Азимов. — Тўғри, қийинчиликлар, муаммолар кўп. Аммо улар аста-секин бартараф этилмоқда. Айниқса, одамларни ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор беряпмиз. Биринчи ва иккинчи бўлимдаги қишлоқларни газлаштириш давом эттириляпти. Нақд пул тўлаш тезлашгани туфайли боғбонларга 5 миллион сўмлик ун, шакар ва бошқа маҳсулотлар тарқатилди. Фақат иқтисод эмас, маънавият ва маърифатга ҳам эътибор берилмоқда. Бу йил 70 кишини «Ўзбекистон овози» газетасига хўжалик ҳисобидан обуна қиляпмиз. Севимли газетамиз саҳифаларида иқтисоддаги мураккаб муаммолар ҳақида мунтазам мақолалар чоп этилишини истаймиз.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Газетанинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга—1210,80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун
бир йилга — 876 сўм,
олти ойга — 438 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1211 сўм,
олти ойга — 610 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.



Бу дунёнинг ишлари

ГОРБАЧЁВ КИТОБ ЁЗИБДИ

Яқинда собиқ СССР Президенти Михаил Горбачёв россиялик ва чет эллик журналистларга ўзи ёзган «Ҳаёт ва ислоҳот» китобини тақдим этди. «Икки йил қаттиқ ишладим», деди у ижоддаги ўз фаолиятини баҳолаб.

Китобнинг ёзилиш услубини ҳам яшириб ўтирмади.: Аввал магнитофонга ёзиб олиб, кейин қоғозга кўчирилган асар 2000 саҳифани ташкил этди. Қарийб 10 баравар қисқартирилиб, қайта-қайта таҳлил қилинганданг сўнггина китоб — икки томли асарга айланди. Муаллиф китоби босишга тайёр бўлгач, магнитофон тасмалари ҳамда 2 минг варақдаги қўлёзма текстини кимлардир кейинчалик бошқа мақсадларда фойдаланмаслиги учун ёқиб юборибди.

Михаил Горбачёв, маълумки, Россия Давлат думасига бўладиган сайловда ўз номзодини қўйишдан бош тортди. Уни Президентлик сайлови ва балким бу сайловнинг бўлмай қолиши безовта қилмоқда. «Агар бундай сайлов ўтказилиши кафолатланганда, эҳтимол мен унда қатнашишдан бош тортган бўлур эдим», — деди у.

БОШ КОТИБ ИСТЕЪФОГА ЧИҚАДИМИ?

Ҳозирги пайтда НАТО Бош котиби бўлиб ишлаётган бельгиялик Вилли Клас яқин ўртада судланувчилар курсисида ўтириб қолиши мумкин. Чунки, Бельгиядаги парламентнинг махсус комиссияси уни депутатликдан маҳрум этиб, одил суд ҳукмига топширишни таклиф этмоқда. Бу билан Бельгия кассацион суди бош прокурори Ж. Велю талаби қондирилади. Бош прокурор В. Класни илгари мамлакат иқтисодиёт вазири бўлган чоғида коррупцияга йўл қўйганликда айбламоқда.

Яқинда Вилли Клас қарийб 7 соат мобайнида махсус комиссия аъзоларининг саволларига жавоб берди. Ёпиқ тарзда овоз бериш пайтида комиссия 11 аъзосининг фикри бир жойдан чиқмади. Комиссия озгина кўпчилик билан В. Класни депутатлик мандатидан маҳрум этишга қарор қилди. Яқин вақт ичида Бельгия парламенти депутатлар палатаси бу масалани узилкесил ҳал қилиши керак. «Суар» газетасининг ёзишича, «Эндиликда НАТО Бош котибининг истеъфога чиқиши чамаси муқаррар бўлиб қолди».

ХОТИНИНГИЗ БАШОРАТЧИ БЎЛСА...

1995 йилги Нобель мукофоти лауреати АҚШлик иқтисодчи Роберт Лукас фахрий диплом билан бирга 7,2 миллион швед кронаси (қарийб 1 миллион доллар) олганди. Бироқ у бу пулларни қаерга қўйишини ҳали ўйлаб улгурмасданоқ, собиқ хотини пул мукофотининг тенг ярмига қонуний талабгор эканлигини айтиб қолди. Олгир хотин асос қилиб ажрашиш битимини тақдим этди: унда агар Р. Лукасга Нобель мукофоти бериладиган бўлса, пул мукофотининг 50 фоизини хотини олади, деб ёзилган экан.

Қизиғи қонуний талабгор эканлигини айтиб қолди. Олгир хотин асос қилиб ажрашиш битимини тақдим этди: унда агар Р. Лукасга Нобель мукофоти бериладиган бўлса, пул мукофотининг 50 фоизини хотини олади, деб ёзилган экан.

Қизиғи шундаки, эр-хотин Лукаслар бундан етти йил аввал ажрашишган, у пайтда Роберт-нинг Нобель мукофоти лауреати бўлиши тушига ҳам кирмаган ва шу боис хотини томонидан никоҳни бузиш ҳақидаги битимга ушбу банднинг киритилганини ҳазил сифатида қабул қилганди. Алқисса, хотин башоратчи чиқиб қолди: у Чикаго университетида 8 нафар Нобель лауреатлари бор эканми, демак кучли иқтисодчи бўлган эри ҳам бундай мукофотга яқин вақт ичида сазовор бўлиши аниқ, деган фикрга борган. Бу ҳам майлия, битимда тилга олинган банднинг амал қилиш муддати 1995 йилнинг 31 октябрида тугаркан. Аксига олиб денг, мукофот Роберт Лукасга шу йилнинг 10 октябрида топширилибди.

ГАГАРИННИНГ ДАСТХАТИ НЕЧА ДОЛЛАР ТУРАДИ?

Бундан икки йил олдин «Сотби» аукционида совет космонавтикасига оид буюмлар сотилгани кўпчилик эътиборини тортган эди. Унда ким ошди савдосига 200 дан зиёд буюм қўйилганди. Дейлик, Юрий Гагариннинг учиш инструкциясига ёзган имзо дастхати 74 минг долларга, Ойдан келтирилган тупроқ 68500 долларга сотилган эди. «Союз ТМ—10» кемасида космосга олиб чиқилган капсула энг қиммат нархга — 1,5 миллион долларга етганда ўз харидорини топганди. Ушбу савдода бундан ташқари Н. Хрушчевнинг Гагаринга ёзган хати, Сергей Ковалёв эсдаликлари, жаҳон космонавтикаси отаси Константин Циолковскийнинг қўлёзма дафтарлари ким ошдига қўйилганди.

«Сотби» аукциони вице-президенти Дэвид Редденнинг айтишича, декабрь ойида янги ким ошди савдоси ўтказилади. Унда ҳам Россия космонавтикасига оид буюмлар сотувга қўйилади. Ким ошди савдоси мутасаддиларининг фикрига қараганда, бундай тарихий аҳамиятга молик буюмлар ва осори-атиқаларнинг космоси забт этганлар оилалари томонидан сотилишига ҳозирги пайтда Россиядаги иқтисодий қийинчиликлар ва кам пенсия миқдори сабаб бўлмоқда.

(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

АНДАЕВНИНГ ИШЛАРИ

Баҳористон — чекка туман. Одатда чеккадагиларни ҳамиша назорат қилишда бирмунча қийинчиликлар бўлиши, шубҳасиз. Шунданми, бу ерда партия кенгаши иши ўзгаришга, янгиликка, айтиш мумкинки, ислоҳотга муҳтож эди. Ўзгариш партия котибини ўзгартиришдан бошланди. Оғамамат Андаев илгари ҳам партия ишида ишлаган. Шу соҳада тобланган. Ишлаб чиқаришда чиниққан. У туманда партия ишини жонлантириш, кўтариш учун нималар қила бошлади?

Аввало, партия ишини синчиклаб таҳлил этиб чиқди. Шу аниқландики, кенгаш билан бошланғич ташкилотларнинг алоқаси сусайган. Иллатнинг боши шу ерда экан. У буни бартараф этиш, алоқани мустаҳкамлаш учун жойларга борди. Партия фаоллари билан яқинлашди. Кимларга таянса бўлади, ана шуларни кўз остига олди. Маҳаллий бошқарувга ўтилгач, кимнинг қандайлиги аён бўлиб қолган эди.

БУ — **БИРИНЧИДАН. ИККИНЧИДАН** — партия мақсади етарлича тарғиб-ташвиқ қилинмаган. Партия ҳаёти маҳаллий матбуот назаридан четда қолиб кетган. Шу боис «Баҳористон ҳақиқати» рўзномаси билан шартнома тузилди. Энди газетанинг ҳар сонида партия ҳаётини ёритувчи материаллар, ахборотлар бериб борилмоқда. Газета ўқишли, қизиқарли ҳам бўлиб қолди. Кенгаш ҳам баҳоли қудрат редакциянинг у-бу юмушига кўмаклашади.

УЧИНЧИДАН, партия ташкилотининг асосий йўналишларидан бири — бу хўжалик бошқарув тизимида ҳокимларга амалий ёрдам бериш. Оғамамат Андаев ҳам бу масалага ўзининг асосий вазифаси деб қарайди. Бундай йўл тутишга, партиянинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга бўлган эътибори, деб қараш керак. Шу тариқа О. Андаев қарияларни, меҳнатга яроқсиз турли тоифадаги ногиронларга, кўп болали оилаларга, бева аёллар ёки фарзандларини онасиз тарбиялаётган оталарга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйди. Биргина мисол. Аҳолига берилаётган томорқа ерлари 112 гектарга кенгайди. Боғлар бунёд этилди. Полиз маҳсулотларини экиш кўпайди. Бу йил туманда аҳоли жон бошига икки тоннадан буғдой тайёрланди.

ТЎРТИНЧИДАН, партия ташкилотлари йиғинларини, ҳисоботларини ўтказиш даврийлиги мунтазамлик касб этди. Масалан, Сулаймон Муродов номидаги жамоа ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Чориёр Маҳмудовнинг ташаббусига кўра, партия ташкилотининг йиғини хўжалик маъмуриятининг йиғилиши билан қўшиб ўтказилди. Бу эса кутилган самарани берди. Партия ташкилоти пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказишни ўз оталиғига олди. Механизатор ва теримчиларни рағбатлантиришда асосан моддий омилга эътибор қаратилди.

БЕШИНЧИДАН. Баҳористон Муборак тумани билан ёнма-ён. Баҳористондан учган турғай Муборакнинг даштига, Муборак даштидан ҳавога кўтарилган бедана Муборакнинг бедазорига келиб қўнади. Оғамамат Андаев буларни инобатга олиб, янгича йўл тутди, яъни Муборак туман ҳокимлиги ва партия ташкилоти билан ҳамкорликда ишлашни йўлга қўйди. Масалан, Кўқдумалоқ газ конларининг бошқарув идоралари Муборакда бўлса-да, кон базалари асосан Баҳористон тумани ҳудудида жойлашган. Баҳористонликлар газчиларга маданий ва савдо хизмати кўрсатишади. Ўз навбатида Муборак газнефть конлари корхонаси Баҳористон тумани инфраструктурасини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда. Айниқса, ўй-жой қурилишида ёрдам бермоқда.

ОЛТИНЧИДАН, биринчи котибнинг ташаббуси билан Баҳористон мактаб ўқувчиларининг нефть-газ конларига саёҳатлари уюштирилмоқда. Бу билан ёшларда касб ва меҳнатга, юрт табиати ва бойликларига меҳр уйготилмоқда. Олмон шоири Ҳенрих Ҳейне, умид билан экилган таёқ, бир кун келиб берамеваю ярпоқ, деганидек, мактаб ўқувчиларининг бундай саёҳатлари келажакда ўз мевасини беражагига шубҳа йўқ.

ЕТТИНЧИДАН, Баҳористон туман партия кенгаши аҳолидан ажралиб қолгани йўқ. Аксинча, улар билан бирга. Ҳадеб Андаев, Андаев дейверсак, ўқувчининг ғашига тегиши мумкин. Бироқ, индаллосини айтганда, бу биргалик яқинда ўз самарасини берди. Яъни тумандаги «Деҳқонобод» акционерлик жамияти бутун аъзолари билан — ўттиз киши ёппасига партия сафига ўтди.

САККИЗИНЧИДАН, туман партия кенгаши турли жамоат ташкилотлари билан шартномалар тузган. Масалан, кенгаш ҳокимликка Президент Фармонлари, вилоят, туман ҳокимликларининг фармойишларини бажаришда кўмаклашади. Ҳокимлик эса кенгаш ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Кенгаш Ёшлар Иттифоқининг туман ташкилоти билан кадрлар масаласида ҳамкорлик қилади. Бошланғич партия ташкилотларининг етакчилари ҳам асосан ўттиз ёшгача бўлган ташаббускор ёшлар. Туман маданий-оқартув бўлими билан ҳамкорликда клублар, кутубхоналарнинг аҳволи яхшиланмоқда.

ТЎҚҚИЗИНЧИДАН, маблағ масаласи. Бошланғич партия ташкилотлари мақол билан айтганда, узоқдаги қўйруққа орзуманд бўлиб, Оғамамат Андаевгача ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаганлар. Бўлмаса, аъзолик бадалларидан ҳам катта фойда қилса бўлади. Андаев келгач, бадалларни йиғиш тартиби дарҳол изга тушди. Муҳташам бинонинг бир қисми шартнома асосида ижарага берилди. Шартномага кўра, жойларга бориб лекциялар ўқилади, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади. Ташкилотлар эса бунинг учун кенгаш ҳисобига пул ўтказадилар.

ЎННИНЧИДАН, хусусий мулкка эга бўлиш, ҳиссадорлик, тадбиркорлик, фермер хўжаликлари тузиш тўғрисидаги қонунларни, Фармон ва қарорларни аҳолига тушунтириш. Чунки, мамлакатимизнинг бундан кейинги ҳаёти асосан ана шу йўлдан ривожланади. Сир эмас, ҳозирги кунда жойлардаги айрим хўжалик раҳбарлари давлат секторидаги мулкни талабгорларга хусусийлаштириб беришни, юмшоқ қилиб айтганда, унчалик ҳам иштаймаяпти. Сабаби, хусусий мулк эгаси хўжалик раҳбарининг назоратидан чиқиб кетиши, унга бўйсунмаслиги, ҳатто унга рақобатчи бўлиши ҳам мумкин. Табиийки, ҳар қандай раҳбар ўзига рақобатчи пайдо бўлишига қарши туради. Баҳористон туман партия ташкилотлари хусусий мулкчиликни ривожлантириш ва фермерчилик ҳаракатига ҳимоячи бўлмоқда. Бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этишда кишиларга амалий ёрдам бермоқда. Масалан, бирор бир хўжалик раҳбари хусусий фермерликка йўл бермаса, ўша ердаги бошланғич партия ташкилоти котиби орқали мазкур раҳбар ҳақида тавсиянома олинади ва ҳокимликка киритилади. Кенгаш туман фермерлар уюшмаси қошида тадбиркорларнинг бошланғич партия ташкилотини тузишни мўлжалламоқда. Бу фермерликни ривожлантиришга қўл келган бўлар эди.

ЎН БИРИНЧИДАН, туманда партия ишлари изчил йўлга қўйилди. Партия йиғинлари, бюро мажлислари ўз муддатида ўтказилмоқда. Мафкуравий ишлар ҳам қайта кўриб чиқилди.

ЎН ИККИНЧИДАН, ички партиявий ишлар яхшиланди. Ҳисобдан чиққанлар, ҳисобга кирганлар ўз вақтида рўйхатга олинмоқда. Бу ҳужжатлар тўғриланди. Кенгаш ҳисобида 38 та бошланғич партия ташкилоти, 9 та ҳудудий партия ташкилоти бор. Партия аъзоларининг қирқ беш фоизини ўттиз ёшгача бўлган ёшлар, йигирма фоизини тадбиркорлар ташкил этади.

Оғамамат Андаев айтади:

— Одамларга қуруқ гапдан кўра, давлат сиёсати, қонунлари, Президент Фармонлари билан боғлаб гапирсангиз, гапингиз ишончлироқ бўлади.

Унинг офтобда куйган қиёфаси ёришиб кетади.

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Партия ахбороти

ХАТИРЧИ УЧРАШУВЛАРИ

ЎзХДП Навоий вилоят кенгаши ва вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган тарғибот гуруҳи Хатирчи тумани пахта далаларида қизиқарли учрашувлар ўтказди. Айниқса, мазкур туманнинг Ибн Сино номли жамоа хўжалигидаги Мамасоли Раҳимов етакчилик қилаётган бригадада бўлган мулоқотлар эсда қоларли бўлди. Бригада заршунослари шу кунга қадар эл хирмонига 310 тонна «оқ олтин» армуғон этиб, йиллик режани 103 фоизга уддалади. Бу гектар бошига 35 центнер демакдир.

Учрашувда кўплаб илғор теримчилар вилоят партия кенгаши ва Ёшлар Иттифоқи вилоят қўмитасининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Шунингдек, вилоят касаба уюшмаси ташаббуси билан илғорлардан 10 киши «Ўзбекистон овози», «Дўстлик байроғи» газеталари ва «Мулоқот» журналига бепул обуна қилинди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

САФЛАР ЎСМОҚДА

Қарши туманидаги «Насаф» жамоа ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти ХДПнинг тўрт йиллиги олдидан бир талай тадбирларни амалга ошираётир. Айниқса, бошланғич ташкилотнинг партия сафига қабул қилиш ишлари ибратлидир. Куни кеча шу хўжалик тасарруфидаги «Гўзал» болалар боғчасида унутилмас тантана бўлиб ўтди. Мазкур тарбия масканининг 15 нафар тарбиячи ва энагаси ХДПга қабул қилиндилар.

Илҳом ҚАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

РАСМИЙ ТАШРИФ БОШЛАНДИ

Нидерландия молия вазири Геррит Залм Украинага расмий ташриф билан келди. Украина ҳукумати мазкур ташриф натижасидан кўп нарса кутмоқда. Чунки, Нидерландия ушбу мамлакатни нафақат сиёсий, балки молиявий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаб келяпти. Геррит Залм Украина ҳукумати раҳбарияти билан икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакатга молиявий ёрдам кўрсатиш масалаларини муҳокама этади. Нидерландия бош вазири билан бирга йирик тадбиркорлар гуруҳи ҳам келган. Улар Украина иқтисодиётининг хусусий капитал киритилиши мумкин бўлган соҳаларини ўрганадилар.

ТЎҚНАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Афғонистонда ҳукумат қўшинлари билан «Толибон» ҳарбий ҳаракати ўртасидаги тўқнашувлар ҳамон давом этмоқда. Муҳолифатдаги кучлар Қобулнинг тинч аҳоли яшайдиган марказий мавзеларга самолётлардан бомба ташлади. Мамлакат Мудофаа вазирлиги расмий вакилининг таъкидлашича, мазкур ҳаво ҳужуми пойтахт ҳимоячилари ва тинч аҳолисига руҳий таъсир ўтказиш учун қилинган.

ХОРИЖЛИК КУЗАТУВЧИЛАР КЎПАЙДИ

Грузия марказий сайлов комиссияси матбуот марказининг хабарига кўра, 5 ноябрда ўтказилажак Президент ва парламент сайловида 100 нафардан ортиқ хорижлик мустақил кузатувчилар иштирок этади. Улар сайлов жараёнини назорат қиладилар. Шу боис, республика ҳукумати қошида хорижлик кузатувчиларга ёрдам кўрсатадиган махсус ишчи гуруҳи ташкил этилди.

ҲИНДИСТОН ҲАМ ҲАРБИЙ ВЕРТОЛЁТ СОТИБ ОЛМОҚЧИ

Ҳиндистон ҳукумати Беларусдан бир неча замонавий жанговар вертолётлар сотиб олиш имкониятини ўрганмоқда. Бу ҳақда мамлакат Мудофаа вазирлигининг вакили маълум қилди. Бунинг учун Ҳиндистон ҳукумати 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратишни режалаштирмоқда.

АҚШ Покистонга 370 миллион долларлик қуроллаҳа етказиб беришга рози бўлганидан сўнг, Ҳиндистон ҳукумати ушбу қарорга келди.

АРИЗАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛАДИ

Москвада Европа иттифоқи парламенти ассамблеяси комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бошланди. Йиғилишда Европа минтақасида жойлашган, бироқ Европа иттифоқига аъзо бўлмаган давлатлар — Россия Федерацияси, Беларусь ва Хорватиянинг мазкур иттифоққа аъзо бўлиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш режалаштирилган.

ҲУКУМАТГА ҚАРШИ НАМОЙИШ

Венгрияда ҳукуматга қарши ялпи намойиш бўлиб ўтди. Мамлакат миллий байрами — Венгрия инқилобининг 39 йиллиги арафасида ўтказилган мазкур оммавий намойишни «Ҳаёт ва ҳаққонийлик» партияси уюштирди.

ҲАРБИЙ САМОЛЁТНИНГ ҲАЛОКАТИ

Германия ҳарбий ҳаво кучларига қарашли «Трансалл» ҳарбий юк самолёти Атлантика океанидаги Азор ороли яқинида ҳалокатга учради. Маълумотларга қараганда, самолётда экипаж аъзоларидан ташқари яна тўққиз киши бўлган. Ҳозирча уларнинг тақдири номаълум.

САЙЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Ўтган якшанба куни Швейцария парламентига сайлов ўтказилди. Сайловда асосий ўринларни конфедерацияда 1959 йилдан буён ҳукумат коалицияси таркибига кирувчи тўртта етакчи фирқалар — Радикал-демократлар, Социал-демократлар, Демократик христианлар ва Швейцария Халқ фирқаси эгаллади.

АНТОНИ ЛЕЙКНИНГ АХБОРОТИ

АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик бўйича ёрдамчиси Антони Лейк Америка—Россия олий даражадаги учрашуви ҳақида журналистларга маълумот берар экан, Босния ва Герцеговинадаги тинчликни таъминлаш қўшинларини бошқариш масаласида бир битимга келишиш гумонлигини айтган. Маълумки, Россия Федерацияси Босниядаги тинчликни таъминлаш қўшинларини бошқариш учун ягона тезкор назорат тизимини жорий этишни таклиф қилмоқда. «АҚШ бу таклифни рад қилмайди, бироқ мазкур тизим НАТО операцияси бўлиши керак», деб таъкидлади Антони Лейк.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Муносабат

ҚИЗИМ СЕНГА АЙТАМАН...

— Эшитдингми, поранинг укаси чиқибди-я!

— Ие, бу янги атамами?

— Аксинча, шу қадар эскики, қуя еган пайтавангга ўраб ташлаб юборсанг ҳам бўлади.

— Бўлмаса нега ташламаймиз?

...Керак-да... Бир пайтлар мен атамасини ҳам, ўзини ҳам мутлақо қабул қила олмасдим. Кўзим тушса ҳам кир бир нарсага тегиб кетгандай ижирғанардим. 1976 йилнинг кузида сариқ дард илашди. Касалхонадан соғайиб чиққач, 10 кундан сўнг ишга чиқдим, 8 километр йўлга қатнаб ишлардим. «Дўхтирга бир нарса берсангиз қаҳратонда шунақа қийналиб қатнаб юрмайсиз, жонингиз ўзингизга керак-ку», деб маслаҳат беришди ҳамкасбларим. Аммо мен «бир нарса» бериб касаллик варақаси очиришга ор қилдим. Қорни, ёмғирни еб, йўл бориб, йўл келавердим. Қийналганим ўзимга — виждоним тинч.

...Туз-насибам тортиб, пойтахтга келдим. Ишим, яшаш жойим ўзгарди. Аммо мен ўша-ўша эдим. «Елкангиздан бошқа оғирлигингиз йўқ», дейишарди-да ҳашарми-кўмакми — (ўша пайтлари шунақа гаплар бўларди) жўнатишарди. Қаерга бўлса йиғма каравот, кўрпа-тўшагимни кўтариб боравердим. «Ҳой, инсон, бундай сал муомала қилсангиз-чи, фалончихон опага» (ҳашар-пашарлар бўйича мутасадди) бир кийимлик атлас совға қилсангиз бир умр бунақа қора ишлардан қутиласиз деб жон қуйдиришарди бунақа соҳада «малакаси» ошганлар. Мен ўз билганимдан қолмасдим: «Йўқ, қўлимдан келадиган иш учун бировга ялинмайман».

Ялинмадим. Фарғона, Хоразм йўлларида умумий вагонларда қатнадим. Дурустроқ вагонга патта олиш учун паттачи билан қандай муомала қилишни менга қайта-қайта ўргатишди: қўлингга газета ушлайсан, газетага қуринарли қилиб «фалон жойгача фалон сўм» деб ёзасан, дарров ишинг битади!

Мен бир неча марта шундай қилишга тараддудландим. Лекин «Нега, нега мен ўзим жамиятнинг бузилишига ҳисса қўшишим керак экан. Ахир, ҳеч йўқса ҳар ким ўзини ўнглаб юрса, «мен тўғри яшаяпман» деб юрган киши ўзини иллатлардан тийиб юрса, ҳаёт анча ўнгланади-ку» деган ички бир овоз мени тўхтатарди. Ўзим бир ёқда қолиб, жигарларим ҳам бу феълимдан жабр кўрган пайтлари кўп бўлди: жияларимдан бири олий ўқув юртига кирди. Ярим йиллик сессия пайтида бир домласи уйига мардикорликка юборганда бормагани учун синовидан йиқитди. Табиийки, синовдан ўтмагач, имтиҳонларга ҳам қўйилмади. Менга «Ҳақиқат талашма, йўлини қил» дейишди. Мен яна ўз билганимдан қолмадим. Оқибатда жияним ўқишини ташлаб кетди. ...Эҳтимол, она бўлмаганимда «мени ҳеч ким ўзгартира олмасди» деб ёзмоқчи бўлдиму, азиз дўст, катта кетишга уялдим. Ҳаёт-да бу...

...Иккинчи фарзандим йиғламай туғилди « Онажойда сув ютибди, болангизнинг аҳволи яхши эмас. Мен бир нарса дея олмайман» деди-ю чиқиб кетди болалар врачи. Кучим икки кўзимга етиб ўтирган эди. Ёнимдаги ўн тўққиз яшар ҳамхонам «Товба, шунча ёшни қаерда яшагансиз, боринг орқасидан... шундай-шундай қиласиз» деб шивирлади. Мен ичимдаги «мен»нинг юзига терс қарадим. Ўша болалар дўхтирининг халатининг чўнтагига пул солдим, «бутун умидим Сиздан» дедим. Унинг кўзлари ярқиради, овози товланди. «Осон экан» деган бир оғриқ ўтди дил-дилимдан... арзон экан».

«Гапиришамиз», «Келишамиз», «Хизматингизнинг тагида қолиб кетмаймиз», «Хурсанд қиламиз» — ҳадемай мен ўзим киришни истамаган оламнинг жаргонларини ўзлаштирдим.

Турли идора, турли одамлар олдида сарғайиб майиб бўлган асабларимдан узр сўрадим...

Шу тарзда йил ўтаётган эди... Врач менинг бош оғриғимга уқалаш ёзиб беради. Уқалайдиган даволовчи эринибгина қўл учида даво бошлайди — бир ўрам чет эл печеньесини столининг устига қўйиб қўяман — қўлларига куч киради. Чинакам даво бошланади. Сўнг бирма-бир бошқа даво хоналарига кираман. Тарих такрорланади. Қизим хаста, қонуний равишда врач менга «касаллик варақаси» очиши керак. Чайналади. Ўзини у ён-бу ёнга ташлайди. Тушунаман, тушунишим билан «касаллик варақаси» очилади.

Йўлда машинамизни ДАН назоратчиси тўхтатади. «Машинанинг номери хира ё жуда аниқ». Хўжайиним баъзан талашмоқчи бўлади. Зинҳор-базинҳор йўл бермайман. Қўйинг, дадаси, уларнинг ҳам бола-чақаси бор, садақа ҳам керак.

Боя айтганимдай, ҳаёт шу тарзда ўтаётган эди. Бир иш билан қўшнимникига кирсам, онаболанинг можароси устидан чиқдим.

— Бормайсиз, дедим бормайсиз, — дейди тиббиёт институти талабаси Ҳилола.

— Бормасам, бўлмайди, қизим — қўшним безовта.

— Ахир мен дарс қолдирган бўлсам, ўша дарсни қонун бўйича қайта топширишга ҳаққим бор. Уқитувчим буни истайдими йўқми, у шундай қилишга мажбур. Менинг қўлимда узрли сабаб билан қолганим ҳақида ҳужжат бор.

— Сени йиқитиш ўқитувчига чўтми-я, болам. Нима қиласан, қонун талашиб. Яхшиси, ўзим бориб муомала қилиб келаман, шусиз битмайди.

— Ҳилола, ойинг тўғри айтяпти, ўчакишиб нима қиласан? Барибир қўлидаги одамсан, — деб мен ҳам қўшнимни қувватлаган бўламан.

Ҳилола менга ғалати қарайди:

— Ахир, сиз тўғри яшаш ҳақида ёзасиз-ку... деди. Қизча бу гапни бақириб айтмади. Гинали секин айтди... Унинг овозида бир пайтлар ич-ичимдан келадиган овозни эшитгандай бўлдим.

— Қайси бирига пора бериб чиқасиз, ойи? Ёғни тўғри тортсин, шакардан уриб қолмасин деб дўкончига берасиз. Боламга дўқ қилмасин, деб боғча опага, дурустроқ ўргатсин деб муаллимига, яхшироқ қарасин деб дўхтирга, яхшироқ гапирсин деб бошлиққа...

— Қизим, пора деган лаклак бўлади, бу поранинг укаси...

— Ие, бу янги атамами?...

...

Рост, нега ташламаймиз... Бир жиҳатдан қараганда, бу оддий одамгарчилик қоидаларига ҳам менгзаб кетади. Бердинг — заруриятинг битди. Бу билан камбағаллашиб қолганинг йўқ. Олди — қайсидир узуғига улов бўлдими йўқми — бойиб кетгани йўқ... Лекин барибир шу муносабатларнинг замирида тўғриликка хиёнат бор. Мана шуниси қўрққулик.

Биз кеча «таъма, таъмагирлик — иллат, ундан қанча тез қутилсак, шунча эрта покланамиз», деган эдик. Ўзимиз эса ўша таъмагирлик деган занжирнинг ҳалқалари эдик. «Асабим ўзимга керак» дея курашларга қўл силтаган эдик. Бугун давр бошқа, деймиз. Чиндан бошқа: ҳар бир иллатимиз ўзимизга доғ. Лекин бугун ҳам биз асабимизни бузгимиз, ўзимизни қийнагимиз келмаётир. «Бора-бора хусусийлашиш жадаллашади, рақобат кучаяди, бу иллатлар ўз-ўзидан барҳам топади» деган бир таскинга суянамиз. Ва бемалол «Таъмагирлик инсон номини ерга уради» деб айтамиз, ёзамиз. Тилимиз билан дилимиз орасидаги масофага парво қилмаймиз. Тил билан дил орасида масофа ётар экан, тозаришнинг қадамлари суст бўлади.

Ҳилола менга гинали қараш қилганда хаёлимдан шу фикрлар чақмоқдек кесиб ўтди. Ичимда ҳув бир пайтлардагидай қарама-қарши туйғулар тўқнаша бошлади. Аммо менинг бу гал енгилишим осон: бир марта чекинган қалбга чекиниш қийин келмайди.

Унда нима қиламиз, азиз дўст, мендай ҳиссиётлар билан яшаётганингиз бордир, келинг, сиз ҳам бир нарса денг!

ҚУТЛИБЕКА.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлигига қарашли «Агроқурилиштаъмир» бирлашмасининг Сирдарёдаги жамоаси аъзолари «Бугунги ишни эртага қўйма» қабилида иш тутиб, катта ютуқларга эришмоқдалар. Шу боис олтита иссиқхона, иссиқлик трассалари ва бошқа объектлар капитал таъмирдан чиқарилди. Оқолтин туманидаги Сардоба қишлоғи аҳолиси ичимлик сув ва табиий газ билан шу йилнинг май ойидаёқ таъминланди.

Бундай кенг кўламдаги ишлар одатда кузгача якунланарди. Бироқ, сирдарёликлар бу ишни анча илгари бажариб қўйишди. Айни пайтда жамоа ходимлари 211 та иссиқхона, мингдан зиёд уй-жойлар, юзлаб мактаблар, болалар боғчалари,муассасалар, чорвачилик комплекслари, 449 та артезиан қудуқлари, 110 километрлик иссиқлик, 1140 километрлик сув ўтказиш тармоқларига хизмат кўрсатишади.

Вазирликнинг бевосита ёрдами билан бирлашма раҳбарияти пишиқ ғишт ва шлакоблок, эшик ва дераза, оҳак, металл тўсиқлар ва бошқа турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ўнлаб цехларни ташкил этиш имкониятига эга бўлди. Бирлашма ихтиёрида қувурлар, турли машина-механизмлар ва бошқа зарур нарсалар етарли. Шу боис улар аҳолига яхши хизмат кўрсатишмоқда.

СУРАТДА: участка бошлиғи Абдусамат Қўшиев, ювиш машинаси ҳайдовчиси Мирзабек Оқилбеков, «Агроқурилиштаъмир» раиси Абдувоид Эрназаров ҳамда слесарь-сантехник Сергей Грегухин.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Савдо кўргазмаси

500 ТУРДАГИ МАҲСУЛОТ

Аҳолини кенг халқ истеъмоли маҳсулотлари билан таъминлаш — иқтисодий сиёсатимизнинг устивор йўналишларидан бири. Шу мақсадда йил бошидан буён жойларда савдо кўргазмалари бўлиб ўтмоқда.

Яқинда Ўзбекистон улгуржи биржа савдо уюшмасига қарашли хом ашё биржасида кўргазма савдоси уюштирилди. Унга Ўзбекистон хом ашё биржаси ташкилотчилик қилиб келмоқда. Кўргазмада Ўзбекистон енгил савдо ҳиссадорлик жамияти ва Ўзбекистон коммунал-маиший савдо ҳиссадорлик жамиятларининг 500 турдаги ҳар хил маҳсулотлари намойиш қилиняпти. Ҳар ойда бир маротаба ўтказиладиган кўргазмада ўрта ҳисобда 40 миллион сўм ҳажмида маҳсулотлар сотилмоқда.

Дарвоқе, хорижий ҳамкорлардан Латвиянинг «Даутекс» давлат ҳиссадорлик жамияти ҳам ўз маҳсулотларини савдога олиб келган.

Республикада юқоридаги сингари савдо кўргазмаларининг кенг ўтказиб турилиши истеъмол бозорини тўлдириш, иқтисодиётимизнинг ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ШИФОХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

"Абу Али ибн Сино ва табобат" фирмаси Сизларга 20 дан ортиқ хорижий фармацевтика фирмаларидан келтирилган 400 турдаги энг сифатли ҳамда арзон дори-дармонларни ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Агар Сизга ошқозон-ичак, тери-таносил, юрак, қонтомир, жигар, буйрак, астма ва асаб касалликларини даволашга қўл келадиган дори-дармонлар зарур бўлса фирмамизга мурожаат қилинг!

Юрак хасталикларига — сустак, нитронг ва уларнинг барча турлари, тери касалликларига — целестодермнинг барча турлари, ошқозон-ичак хасталикларига — гастроцепин, фосфалугель, вентер, зонтак дорилари, қувватга киргизувчи витаминлар — пиковит, таксофит, астма касалликларига — беротек, берадуал каби дориларни ҳамда турли шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламаларни харид қилишингиз мумкин.

Савдо-сотиқ пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Фирма манзили: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор-даҳаси, 1-А уй (метронинг "Гафур Ғулом" бекати).
Телефонлар: 44-24-34, 40-44-83, 40-48-06.
Факс: 40-48-53.

Сизларга ҳар доим соғлиқ, туман бойлик тилаймиз!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИ «АЗИЯ ИНТЕРНЕЙШНЛ»

ташқи иқтисодий алоқалар фирмасининг ташқи иқтисодий алоқаларга доир №00—Б/159 РАҚАМЛИ СЕРТИФИКАТИ йўқолганлиги муносабати билан БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Манзилимиз: Тошкент ш. «Буюк ипак йўли» кўчаси. Тел: 64-12-80.

Биз билмаган тарих

ХУДОЁРХОН ҚУРДИРГАН МАДРАСАЮ-МАСЖИД ҚАЕРДА?

Наманган шаҳри Қўқон хонлигининг илму маърифат, савдо-сотиқ ва саноати ривожланган, маданияти тараққий этган йирик шаҳарлардан бири бўлган. Хонлик даврида бу ҳудуддан етишиб чиққан донишманд алломалар, шоирлар, ҳунармандлар хонлик ҳаётида катта обрўга эга бўлганлар. Шунинг учун ҳам Қўқон хонлари Наманганга алоҳида эътибор бериб, тез-тез ташриф буюриб туришган ва шаҳарни ободонлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келишган.

Хонликнинг сўнгги ҳукмдори Худоёрхон ўз салтанати барқарор бўлиб турган йиллари Наманганда бир мадраса ва масжид қуришга фармон беради. Бўлажак мадраса ва масжид учун шаҳарнинг тўрт даҳаси яқин бўлишлиги назарда тутилиб, Сардоба даҳасининг шимолий-шарқий қисмидан жой танланади ва қурилиш бошлаб юборилади.

Иккала иншоот биноси ғоят юқори дид билан зилзилага чидамли, мустаҳкам қилиб пишиқ ғиштдан қурилади. Атрофи ҳам пишиқ ғишт билан қалин ва баланд девор билан ўраб олинган. Кириш учун иккита табақали катта дарвоза ўрнатилади. Мадрасанинг очилишида Худоёрхоннинг ўзи шахсан иштирок этади ҳамда мадрасага бош мударрис, масжидга имом тайинлайди. Қурилиш учун халққа оғир солиқлар солинган бўлса-да, Наманганда бундай йирик манзилларнинг бунёд этилиши илм аҳлларини ва барча шаҳар аҳлини қувонтирганди. Лекин қувонч узоққа бормади: ўзининг босқинчилик сиёсатини кун сайин кучайтираётган рус императори ва унинг амалдорлари Туркистонга ҳужум қилиб, бирин-кетин шаҳарларни забт этиб, Наманган ҳудудига ҳам келиб қолган эдилар.

Маълумки, ўша пайтда муҳим сиёсий хабарлар масжидларда имомлар, мадрасада мударрислар томонидан, бозор ва кўчаларда эса махсус жарчилар томонидан халойиққа маълум қилинарди. Бу вақтда аҳолининг деярли барчаси беш вақт намозини ўқиш учун жомеъ масжидларга тўпланишарди. Айниқса, хон қурдирган янги масжидга бошқа масжидларга нисбатан одамлар кўпроқ келишарди.

Чор Россиясининг Наманганга бостириб келаётгани ҳақидаги машъум хабар яшин тезлигида бутун шаҳарга тарқалди. Бу ҳақда тўлароқ маълумот олиш учун намоз пайтида ҳамма масжидларга шошиларди. Масжид ва жомеъларда одам кўп. Хон масжидида ҳам одатдагига нисбатан жамоат кўп тўпланган эди. Барча масъул одамлар босқинчиларнинг шаҳар остонасига кириб келганини, уларга қарши туриш учун етарли миқдорда қурол-яроғ, ўқдори йўқлигини, агар қарши чиқилса кўп одамлар бекорга қирилиб кетишини, яхшиси, руслар билан сулҳ тузиш кераклигини эълон қила бошладилар. Бу пайтда Чор Россияси қўшинлари ўзларига сотилган сотқин унсурларнинг берган маълумотларига асосланиб, замбаракларни Наманган шаҳрининг катта жомеъ масжидларига ва аҳоли кўп тўпланадиган шаҳар кўчаларига тўғриладилар ва бирданига тўплардан тинимсиз ўққа тутдилар. Натижада кўплаб одамлар қурбон бўлди. Масжидлар, бинолар ва кўча четларида жойлашган расталар вайрон бўлди. Шундай қилиб, Чор Россияси қўшинлари 1875 йилнинг 17 октябрида Наманган шаҳрини ҳеч бир қаршиликсиз осонгина ишғол қилдилар. Лекин шаҳарликлар 24 октябрь куни Чор Россияси қўшинларига қарши қўзғолон кўтардилар. Аммо 27 октябрь куни бу қўзғолон шафқатсизларча бостирилди ва замбаракдан тўплардан яна ўққа тутилди. Шу билан Наманган бутунлай Чор Россияси қўлига ўтди. Лекин озодлик ҳаракатлари 1876 йилнинг январигача давом этиб турди.

Наманган теварагидаги озодлик ҳаракатларининг энг йириги Пўлатхон бошчилигидаги халқ қўзғолони эди. Бу қўзғолон 1876 йилнинг 27 январида кечаси ярим тунда сотқин унсурларнинг кўмаги билан қўзғолончилар устига тўсатдан бостириб келиш режасини амалга ошириш билан тугатилади.

Истилочиларнинг Наманганни ўққа тутиши оқибатида хон қурдирган масжид ва мадраса биносига ҳам анча зиён етган эди. Чор Россияси шаҳарга киргач, ўзлари учун мустаҳкам қўрғон сифатида хон қурдирган ана шу мадраса ва масжид биносини танлайдилар. Масжиддан мусулмонларни, мадрасадан муллаваччаларни қувиб чиқарадилар ва тезда уни кенгайтириш, қайта тиклаш мақсадида ҳовлисига қўшиб олишади. Бу ишларни бажаришда маҳаллий халқ вакилларини зўрлик билан текинга ишлатадилар. Бундай воқеаларни ўз кўзи билан кўрган таниқли шоир Мавлоно Шавқий ўзининг Наманган воқеаларига бағишланган бир шеърида шундай ёзади:

Наманган ўртасида бир
иморат хон қилуб эрди,
Тамоми хишти пухта,
қалъадек маҳкам бўлуб эрди.
Анга вақфи мадрас бўлмайин
маътул туруб эрди,
Ўрусларга ани кўрғон
бўлорин ким билуб эрди,
Биноси зулм учун охир
ўрусларга макон ўлди.

Шундай қилиб, наманганликлар учун қурилган масжид ва мадраса биноси Чор Россияси қўшинлари томонидан тортиб олиниб, мустаҳкам қалъага айлантирилди. Қалъада жойлашган чор Россиясининг қўшинлари Наманганда бўлиб турган халқ озодлик ҳаракатларини шафқатсизлик билан бостириб туришдан ташқари Чор Россияси амалдорларига итоат этмайдиган фуқароларни ҳам жазолаб, молу мулкларини тортиб олишди ва шаҳарликларни Чор Россияси амалдорлари ҳузурида тиз чўкиб, бўйсунишга мажбур қилиб туришди.

Хуллас, Наманган қалъаси «қизиллар» ҳукумати барпо бўлгунга қадар оқ подшонинг Наманганда таянч қўрғони бўлиб келди.

Дарвоқе, Қўқон хони Худоёрхон қурдирган масжид ва мадраса биноси майдони 1980 йилларга келиб, Наманган шаҳрининг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғига қўшиб юборилди. Ҳозир ўша даврдан эсдалик сифатида бизгача «Нилуфар» чойхонаси олдидаги ҳовуз ва бир неча чинорларгина етиб келган.

Аҳмад УБАЙДУЛЛОҲ.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Ўзхимфарм" ишлаб чиқариш бирлашмаси қуйидаги юқори самарали ва арзон дориларни **тавсия этади.**

АЛЛАПИНИН — *пароксизмал аритмияни даволашга мўлжалланган восита.*

МЕДАМИН — *антигельминт дориси, ичак нематодига қарши энг яхши самара беради.*

ДИМЕДРОЛ — *аллергияли хасталикларни, эшак еми, қичима дерматозни даволашда яхши самара беради.*

ФИТИН — *қоннинг янгиланиб туришига кўмаклашади, асаб тизими фаолиятини яхшилайди, шунингдек, гипотония, жазава хасталиклари ва жинсий ожизликни даволашда қўлланилади.*

АНАБАЗИН — *кашандалик хуморини пасайтиради.*

РУТИН — *гипо ва авитоминоз, диатез, бот, гипертонияни даволашда яхши самара беради.*

ТЭФЭСТРОЛ — *гинекология ва акушерлик амалиётида қўлланилади.*

ДЕЗОКСИПЕГАНИН ГИДРОХЛОРИД — *мияда қон айланиши бузилганда ва миостеанияни даволаш учун зарур.*

"АНТИ-БИТ" — *педикулез хасталигини даволашда, битни йўқотишда қўлланилади.*

"ИНТРОЦЕЛЛ" — *озиш учун кўмаклашади, организмдан шлакларни, оғир металл тузларини, радионуклидларни, токсинларни ва бактерияларни чиқаради, ичак фаолиятини яхшилайди.*

КАЛЕНДУЛА НАСТОЙКАСИ — *юқори нафас олиш йўллари шамоллаш хасталикларини, ангинани, яра-чақаларни даволашда қўлланилади.*

ҚИЗИЛМИЯ ИЛДИЗИ ШАРБАТИ — *балғам ташлаш учун яхши восита ҳисобланади.*

ҚЎКРАК СУЮҚ ДОРИСИ — *балғам ташлаш учун яхши восита ҳисобланади.*

НАЪМАТАК МЕВАЛАРИ ШАРБАТИ — *авитаминоз олдини олишда яхши самара беради.*

ТЕЛЕФОНЛАР: 56-60-59, 56-71-68, 54-69-78.

Бу дориларни ва боғлаш ашёларини "Ўзхимфарм" ишлаб чиқариш бирлашмаси фирма дорихоналаридан **сотиб олишингиз мумкин.**

1995 йил 20 октябрь

"ХЎЖАНД"
қўшма корхонаси

380.000 АҚШ доллари

салқин ичимликлар ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона

Низом сармояси қуйида имзо чеккан —

Марказий Осиё — Америка тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш фонди

томонидан ажратилди.

Хўжанд,
Тожикистон.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ШАҲАР
МИРЗО-УЛУҒБЕК ТУМАНИ
"ПРОКТОСЕРВИС"-
ХУСУСИЙ ФИРМАСИ

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ГОРОД ТАШКЕНТ
МИРЗО-УЛУГБЕКСКИЙ РАЙОН
ЧАСТНАЯ ФИРМА
"ПРОКТОСЕРВИС"

PS

МУАММОЛАРИНГИЗ ЎТМИШДА ҚОЛАДИ!

"ПРОКТОСЕРВИС"-

ФАҚАТ НУФУЗЛИ МИЖОЗЛАР УЧУН!

"Проктосервис" хусусий шифохонаси Ўзбекистон клиникалари орасида биринчилардан бўлиб, замонавий хорижий тиббиёт жиҳозларини, дори-дармонларини қўллаб тўғри ичак касалликларини даволашда малакали тиббий ёрдам кўрсатади.

Клиникада сиз бавосил, ўткир парапроктит, тўғри ичак ёриғи, ичак ўсимталари, қуймич оқмаси каби касалликларни даволатишингиз, шунингдек, моҳир жарроҳларимиз томонидан болаларингизни суннат қилдиришингиз ҳам мумкин.

ТАЖРИБАЛИ МУТАХАССИСЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ СЕРВИС СИЗЛАРНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА.

ДАВОЛАШНИ ОВОЗА ҚИЛМАСЛИККА КАФОЛАТ БЕРИЛАДИ!

Тўлов усули – турлича.

Клиника Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида 1995 йилда рўйхатдан ўтган.
Бизнинг манзилимиз: Тошкент – 700142, "Буюк ипак йўли" кўчаси, 428-уй.
Телефонларимиз: 64-13-65, 64-13-00. Факс: 64-94-20

ТАШКИЛОТ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

— ғиштларни пресслайдиган ҳамда ғишт устини қоплайдиган ускуналар;
— шлакоблок машиналари;
— бетон қорадиган машиналар 0,25 — 0,5 м3;
— дон янчадиган машиналар;
— сариёғ тайёрлаш учун кичик ускуналар;
— соғадиган кичик қурилма;
— ёғ пресслари;
— гидравлик пресслар 40 т.

Ғишт пресслари мундштукларини пластик шаклда қайтадан тиклаймиз.

Турли ҳажмдаги ва ностандарт асбоб-ускуналар тайёрлаймиз, конструкторлик ишларини олиб борамиз.

Тошкентдаги телефонлар:
62-13-87 кундузи,
44-47-20,
44-48-20 кечқурун.

«ЗОМИН» САНАТОРИЙСИГА МАРҲАМАТ!

«Зомин» санаторийси шифо маскани Жиззах вилоятининг Зомин тумани юқори тоғ зонасида жойлашган. Денгиз сатҳидан 2000 м. баландликда, нафас йўли касалликларининг силга алоқадор бўлмаган хасталикларини тоғ иқлими билан даволашга асосланган.

Шифо маскани ота-оналарни 4-7 ёшгача бўлган фарзандлари билан ҳар бирига алоҳида йўлланма орқали қабул қилади ҳамда қуйидаги касалликларни даволайди:

1. Қайталанган зотилжам (пневмония).
2. Сурункали бронхит—қўзғалмаган даврида охирги марта қўзғалган давридан 2 ой ўтган бўлиши керак.
3. Сурункали зотилжам — чегараланган пневмосклеротик ўзгариш билан.
4. Бронхиал астма—қўзғалмаган ва кам хуруж вақтида.
5. Ўпка ва бронхларда операция бўлганлар 8-10 ойдан ўтгандан сўнг.
6. Тонзиллит, ларинггит, синусит, аденоид. Бодомча безлари операциясидан 2 ой кейин санаторийга келишлари мумкин.

КАТТАЛАРДА:

1. Сурункали форингит, тонзиллит, ларинггит, ринит.
2. Сурункали бронхит: тинч даври.
3. Сурункали пневмония.
4. Плевритдан кейинги асоратлар.
5. Бронхиал астма енгил хуруж билан.
6. Пневмосклерозлар.
7. Бронхоэктатик касаллар — қон ва йирингли балғам бўлмаган вақтда.
8. Силга алоқадор бўлмаган ўпка касалликлари операциясидан 5-6 ойдан кейин.

Шифо маскани юқори тоғ зонасида жойлашганлиги учун қуйидаги беморларни қабул қилмайди.

1. Юқори қон босими бор бўлганлар.
2. Стенокардия.
3. Юрак инфарктидан кейинги кардиосклероз.
4. Юрак порокларининг ҳамма тури.
5. Инсультдан кейинги ҳолатдаги беморлар.

«ЗОМИН» САНАТОРИЙСИ МАЪМУРИЯТИ.



ЗАВҚ ВА ЗАҲМАТ

Дил изҳори

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига қайси ёзувчи ёки шоир ўзининг китобини чиқариш учун олиб борса, орадан 10-15 кун ўтмай шу нашриёт ходими — ишлаб чиқариш бўлими мудираси Саломат Азимова билан албатта мулоқотда бўлади. Сабаби, опа шу китобнинг дунёга келишида, ўз ўқувчисига етиб боришида сидқидилдан меҳнат қилади. Муболағасиз айтиш мумкин, кейинги ўттиз йил ичида Ўзбекистон ҳаётида рўй берган адабий-бадиий ҳодисаларда Саломат Азимованинг ҳам анча-мунча улуши бор.

Ҳозир опадек малакали ноширлар камдан-кам. У меҳнат фаолияти давомида чиқарилишига ҳисса қўшган китобларини бир жойга жамланса борми ўҳў... Алишер Навоий, Яссавий, Амир Темур, Лутфий, Бобур, Машраб, Фирдавсий, Нодира, Увайсий, Феруз, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор каби мумтоз адибларнинг шу нашриётда чоп этилган асарлари бугунги кунда ноёб нусхаларга айланган. Буларнинг матбаа жиҳатдан сифатли, гўзал чиқарилишида опанинг хизмати катта.

— Нашриётимизда чоп этилаётган китоблар китобхонлар қўлидан тушмай севиб ўқиб келинаётганини кўрсам бошим осмонга етади, — дейди Саломат опа.—Чунки унинг шу даражага етишида, зиғирдек бўлса-да, улушим борлигидан қувонаман.

Опа билимдон ношир бўлиш билан бирга истеъдодли таржимон ҳам. У киши қардош халқлар адабиётининг энг яхши асарларини ўзбек тилига ўгирди. Поляк ёзувчиси Ришард Фрелекнинг «Соғинч» романи, Альберт Лихановнинг «Тошқин» қиссалари бунинг ёрқин намунаси.

— Мен аввало устозларим, раҳматли Миркарим Осим, Мирзиёд Мирзоидов, Лола Тожиева ҳамда ҳозир мен билан ёнма-ён меҳнат қилаётган иқтидорли таржимон Ҳасан Турабековлардан бир умр миннатдорман, — дейди опа. —Улар менга чинакам ижод завқини ва заҳматини ўргатишди.

Ҳа, ноширлик опанинг жону дили.

Шоҳида СОБИРОВА.

Кўзинг қаро бўлмаса майли,
Тўкилмасин олтин ёшларинг.
Ўн саккизга тўлган маҳалинг —
Шундай узун бўлсин сочларинг!

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат-лавҳа.

Шатранж оламида

ЧЕМПИОНЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛДИ

Биз Нью-Йоркдаги муҳташам Жаҳон савдо марказининг 107-қаватида ўтказилган тождорлик баҳсининг биринчи ярми ҳақида маълумот берар эканмиз, дастлабки 8 учрашув қанчалик қизғин ўтмасин, натижа бир хил — дурангдан нари бормаганлиги, буёғига эса кураш албатта янада кескинлашуви муқаррар, деган фикрни айтган эдик. Худди шундай бўлди ҳам.

Гарри Каспаров — Вишванатан Ананд матчининг навбатдаги тўққизинчи беллашуви чинакам бурилиш нуқтаси бўлди. Кейинги 5—6 йил мобайнида ўтказилган юксак даражадаги халқаро мусобақаларнинг кўпчилигида ғолиблик даражасига кўтарилиб, охири шахмат оламининг донгдор фармонбардорига рўпара бўлишдек мавқени қўлга киритган 26 ёшли ҳинд гроссмейстри Ананд рақиби яхши кўрадиган ва жуда яхши биладиган сицилианча ҳимоянинг маълум бир йўналишида бақувват бир янгиликни қўллаб, ниҳоят қораларнинг қаршилигини синдиришга, шу билан бирга биринчи бўлиб баҳсда олдинга ўтиб олишга муваффақ бўлди. Айнан шу воқеанинг ўзиёқ унинг иқтидори нақадар юксаклигидан нишона бўлди. Бу тождорни тинч қўймади, бутун кучқудратини бир жойга тўплаб, жавоб зарбаси беришга шайланган турган гап.

Навбатдаги 10-партияда тарихи беш асрга тенг испанча ўйиннинг очиқ варианти юзага келади. Каспаров ногоҳ бир сипоҳ қурбони билан бошланувчи ўта мураккаб йўлни танлагач, матчда ҳозир бўлган мутахассису билимдонлар дарров гап нимадалигини пайқаб олдилар. Муайян вақт билан чегараланган шахматчи учун нотанишроқ, айни чоғда ўта кескин ҳисоб-китобларни жойига қўйиш анча қийин. Каспаров учун эса ўнғайлик туғдирар, зеро у танлаган йўлини пухта ўрганиб чиққан эди. Ҳисоб тенглашди — 5:5.

Дастлабки ниятига етган жаҳон чемпиони 11-партияда яна сицилианча ҳимояни қўллади. Аммо бунда бир сир яширинганини кўпчилик билмасди. Орадан кўп ўтмай, сир очилди — Каспаров ҳамиша қўллаб келган йўли бир ёқда қолиб, бошқа йўлни, яъни «дракон» вариантини ишга солди. Ҳамма таажжубда. Баҳс назария ва амалиётда кўп учраган кўринишларда давом этиб, 30-юришдан кейин ҳам мувозанат сақланиб тургандек туюларди. Каспаров навбатдаги юришда нақ бир руҳини қурбон қилгач, зал ларзага келди. Яна бир юришдан сўнг у қурбон қилган руҳи билан бирга яна бир пиёдани ҳам қўшиб қайтариб олди. Икки пиёдасидан ажраган ҳинд гроссмейстери қаршиликни тўхтатди. Бу партияда шоҳмот шоҳи Каспаров ўзининг қанчалик забардаст ҳариф эканлигини яна бир бор яққол намоён этди. Энди у олдинга ўтиб олди.

12-партия дуранг билан тугаган бўлса-да, томонлар бунга асло сулҳпарварлик натижасида эмас, балки жонининг борича жанг қилиб эришдилар. Жаҳоннинг 13-чемпиони, ойнинг 13-кунида таваллуд топган Гарри Каспаров учун матчнинг 13-учрашуви ҳам муваффақиятли бўлди. Бу сафар ҳам «дракон» варианти ишга солинди. Кўринишидан оддийдек туюлган вазиятда жаҳон чемпиони гоҳ у, гоҳ бу пиёдасини суриб, оқ шоҳ қароргоҳини нишонга олиб турди. Қора сипоҳлар биргаликда уюштираётган тазйиқ оқ шоҳни шунчалик безовта қилдики, ундан қутулишнинг иложи қолмаган эди. 25-юришдаёқ Ананд таслим бўлди. Ҳисобда анча ортда қолган Ананд 14-учрашувда бор маҳоратини ишга солиб, тахтада шундай мураккаблик барпо қилдики, бунда хиёлгина бўлса ҳам хатоликка йўл қўйган томон тойиб кетиши турган гап эди. Ананд учун худди шундай вазиятда дона суриш сўнгги имкониятларни яратарди. Доналар ҳаракатини кузатган томошабинлар ҳайратдан жумбушга келардилар. Охири сув тингандек бўлди. 4 соатлик қаттиқ жанг 41-юришга келганда яна Каспаровнинг ғалабаси билан тугади. Ҳисоб унинг фойдасига 8,5:5:5 бўлиб қолди. Энди Каспаров учун қолган 6 учрашувда 2 очко олса бас эди. Буни у уддалади. 15—18-учрашувларнинг ҳаммасида дуранг натижа қайд этилгач, ҳисоб Каспаров фойдасига 10,5:7,5 бўлди. Низомда кўрсатилган шартга кўра Г. Каспаров жаҳон чемпионлиги унвонини сақлаб қолди ва таъсис этилган совриннинг 3/2 қисми — 1000000 АҚШ доллари билан тақдирланди. Анандга совриннинг қолган қисми — 500000 доллар тегди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

Саломатлик сандиғи

ОЗИШНИНГ 20 УСУЛИ

1. Таомни яхшилаб чайнанг. Камида 25 марта чайнасангиз таом яхши хазм бўлади.
2. Иккита тухумни чала пишириб енг. Меҳмонга ёки бирор зиёфатга боришдан аввал уйда иккита тухумни чала пишириб еб олинг. Бу сизни тўқ тутади ва меҳмонга борганда ҳаддан ортиқ овқат ейишингизга йўл қўймайди.
3. Сузмани кўпроқ истеъмол қилинг. Ҳар хил ширинликларни, шарбатларни, пирогларни парҳезли сузмага алмаштиринг.
4. Баъзи кунлари фақат чой ичинг ва сузмали чучвара еб туринг.
5. Сиз қовурилган таомларни яхши кўрасиз. Лекин уларни ёғсиз қовуришга ўрганинг.
6. Хом сабзавотлар қушилган таомлардан истеъмол қилиб туринг. Уларнинг кучи каму, лекин витаминларга бой.
7. Нонни, пишлоқни, қазини ингичка қилиб тўғранг ва ўзингизни кўп таом еяётгандай ҳис қилинг.
8. Ҳафтада бир маротаба гуручли таом истеъмол қилинг. Гуручда натрий миқдори каму, калий кўп бўлади. Бу сизни бир килограмм озишингизга кафолат. Гуручли таомларни ёғсиз тайёрласангиз яхши натижа беради.
9. Кичкина ликопчаларда таом ейишга ўрганинг ва шу йўл билан ошқозонни «алданг».
10. Дўконга нонушта қилиб бўлгач боринг. Йўқса керагидан ортиқ озиқ-овқат харид қилишингиз мумкин.
11. Ойнаи жаҳон атрофида ўтириб овқатланманг. Бутун диққатингиз таомда бўлиб, роҳатланиб овқатланинг.
12. Ширинликлардан ўзингизни тиймасангиз бир килоям озмайсиз. Айниқса, ширин қандолатларни умуман еманг.
13. Ҳамма вақт таом ейишингиздан ўн дақиқа аввал бир стакан минерал сув ичинг. Очликни камроқ ҳис қиласиз.
14. Ҳафтада бир маротаба балиқ енг. У тез ҳазм бўлади, ёғ миқдори кам. Қондаги холестерин моддасини ҳам камайтиради.
15. Қуритилган мевалардан истеъмол қилинг. Айниқса, олмақоқи, шафтолиқоқи, қуритилган тоғолча, чойга ивитилган туршак жуда фойдали.
16. Мева шарбатларидан ёки доривор гиёҳлардан тайёрланган чойлардан тез-тез ичиб туринг.
17. Пишган ширин олма жуда фойдали. У асабларни мустаҳкамлайди, тоамларнинг ҳазм бўлишини яхшилайди. Олмадаги эфир моддаси эса юракни шодлантиради, мия томирларига ҳам фойдали. Наҳорда олма ёки анжир ейилса юз тиниқлашади.
18. Анжир орасига ёнғоқ мағзидан қўшиб енг. Бу организмдаги қоннинг тоза бўлишини таъминлайди. Асабларни мустаҳкамлайди.
19. Тузни камроқ ишлатинг. Иложи бўлса, баъзан тузсиз таом истеъмол қилиб туринг.
20. Кечки овқатдан кейин бироз тоза ҳавода сайр қилишни канда қилманг.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.

Спорт

ТАТЬЯНАНИНГ ҚЎШ МЕДАЛИ

Хитойнинг Чонгду шаҳрида эшкак эшиш бўйича VI Осиё чемпионатида андижонлик Татьяна Левина катта муваффақиятга эришди. Халқаро тоифадаги спорт устаси икки кишилик ва тўрт кишилик байдаркада эшкак эшиш бўйича икки кумуш медални қўлга киритди.

Татьяна келгуси мусобақаларга астойдил тайёргарлик кўрмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ғаройиб дунё

ТЎТИҚУШНИ КГБГА ЧАҚИРИШДИ

Бир оғайнимнинг тўтиси бор, — дея ҳикоя қилади ереванлик В.Шахназарян, — уч авлоддан бери шу оилада яшайди. Исми Аперо, яъни арманчасига «Укача». Қуш яқинда саксон ёшга киради, аммо тетик кўринади, кал ҳам бўлгани йўқ.

Уни Одесса бозорида бир кампирдан харид қилган, кампир эса йигирманчи йиллари Англия кемасининг маст денгизчисидан сотиб олган экан. Тўтиқушнинг оёғидаги ҳалқага туғилган вақти «1917 йил, октябрь» деб ёзилган. У инглиз, француз, немис, испан, итальян тилларида бемалол гапирар, ҳатто японча бир неча иборани биларди.

Кунларнинг бирида жуда қизиқ, лекин хунук воқеа юз берди. Аперони Ереванга келтиришганда КГБ қизиқиб қолди. Қуш денгиз ортидан эди-да. Нималар деркин? Балки совет ҳокимиятини ағдаришга чақирар? Ёки раҳбар шахслар шаънига бемаъни гаплар айтар?

Қисқаси, мутасадди орган ходимлари тўтиқуш ва хўжайинини чет тиллар институтига олиб боришди. Тўтиқуш у ерда ҳазилакам ҳунар кўрсатмади, профессорлар даҳшатга тушдилар, ораларида аёллар ҳам бор эди. У барча тилларда ҳаммани лол қолдириб бўралаб сўкарди. Ҳушёр контрразведка ходимлари тўтининг иборалари интим характерда эканлигидан тинчланишди. Хўжайинини қойиб-қойиб уйга қўйиб юбордилар. Аммо тўтиқуш давр билан тенг қадам ташлаш учун сўз бойлигига янги гаплар қўша борди. Ҳозир сира қийналмай «қайта қур-рр-риш», «бррокер», «парламент» сўзларини такрорлайди. Африка ўрмонидан келган қуш телевизор томоша қилишга қизиқиб қолган. Шунинг учун Ереванда чироқ ўчиб экран қорайса, «Чирроқни ёқ, шалтоқлар!» деб сўкади. Чет тилларини ҳам унутмаган.

УЛКАН КАПАЛАК

Билли Кинер Марказий Арканзасдаги фермаси устида қанотларининг узунлиги 185 сантиметр, оғирлиги 9 килограммлик капалакни учратди. Фермер даласига кетаётганда катта соя тушди ва у 5 метрча баландликда учаётган баҳайбат капалакни кўрди. Капалак қанотларидан чиққан овоз кичкина вертолёт овозини эслатарди. Қанотлари шунчалик катта эдики, деярли қуёшни тўсиб қўйгандай эди. Фермер аввал қаёққа қочишини билмай қолди. Сўнг аввал тутмаса ёки ўлдирмаса, гапириб берган билан ҳеч ким ишонмаслиги хаёлига келди.

Кинер уйига қараб чопди ва хобхонасида ўзини ҳимоя қилиш учун асрайдиган тўппончасини олди. Ёрдамчиларидан бири Жек Мэйсон ҳам у билан далага югурди. Икковлари капалак 25 метрлар наридаги дарахтга қўнганини кўрдилар. Капалакни чўчитиб юбормаслик учун секин яқинлаша бошладилар. Кинер унинг бошидан пастроғини нишонга олиб ўқ узди. Капалак учиш учун қанот қоқди, лекин кўтарила олмади, ярадор бўлганди. Кинер тағин икки марта ўқ отди. Капалак бир неча лаҳза шохга осилиб турди-да, ерга қулади.

Фермер бундан сал аввалроқ семинарийда ҳашаротлар бўйича мутахассис Кент билан танишганди. У дарҳол бўлган воқеани Кентга хабар қилди. Тадқиқотчи капалакни қотириб қўйди ва унинг қаердан пайдо бўлгани, қандай қилиб шу қадар ўсганини ўрганмоқда.

— Қандайдир мутация ҳодисаси юз бергандир, аммо ишончим комил эмас, — деди тадқиқотчи. — Улкан капалаклар Коста-Риканинг айрим ҳудудларида яшайдию, бунчалик катта эмас. Бироқ аҳвол жуда жиддий. Бу урғочи капалак экан, демак, ўлгунча тухум қўйишга улгурган бўлиши мумкин. Битта капалак эса юзларча тухум қўяди. Агар уларнинг ярми очилганда ҳам чиққан қуртлар капалакка айланиб, ҳар бири юзларча уруғлайди.

Энди у қуртларнинг катталигини тасаввур қилинг. Қуртлар экин билан озиқланади. Бутун бошли фермага қирон келтириш учун бир нечта капалак кифоя.

Ориф ФАРМОН тайёрлаган.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ФИРИБГАРЛАР

Омоной опа уй юмушлари билан ивирсиб юрганда дарвоза олдида уч аёл пайдо бўлди. Ҳали ёруғ бўлса ҳам уларни танимади. Шу боис «меҳмон»ларга пешво чиқди.

— Ассалому алайкум, келинглар, келинглар.

Бу каломдан елкасида халта кўтарган кампирнинг чеҳраси ёришди.

— Кун кеч бўлиб қолди. Бунинг устига ҳаво совуқ...

Омоной опа мусофир кампирнинг чайналганини тушунди.

— Ҳечқиси йўқ, уйимиз кўп, эрталабгача бемалол дам олинглар.

Семиз кампир кулимсираб, шерикларини ортидан эргаштирди. Уй соҳибаси дастурхон олиб келишга чиққанда «меҳмон»лар худо берди, гап сариштада, дейишиб хурсанд бўлишди.

Ош-обдан сўнг меҳмонлар эски амалларини бошлашди.

— Бизлар рўмол сотиб юрибмиз. Мана бу қиз 6 та рўмолни «Қаҳрамон она» нишонига алмаштирибди жувонмарг.

Кампир еб қўйгудек қизга қараб, сўзида давом этди.

— Шу ўзи ҳақиқатан ҳам «Қаҳрамон она» нишонимиа? Сизда бўлса солиштириб кўрайлик.

Уй бекаси сандиқ титкилаб медални олиб келди. Меҳмоннинг озғинроғи нишонни қўлига олиб, ана айтмовдимми у медаль эмас деб, жанжални кўтарди, қизни койиди. Шу орада Омоной опа уларни муросага келтирди. Аммо ўз қўли билан олиб чиққан орденидан ажралиб қолганлигини орадан анча кун ўтгандан сўнг пайқади.

Уч фирибгар Бухоро вилоятидаги Олот тумани қишлоқларини кезишда давом этишди.

— Энди, навбат шаҳарга, — деди кампир. Ва улар Олот шаҳридаги «Партия XXVII съезди» кўчасидаги 7-уйга рўбарў келишди. Ҳовли супуриб турган Дурдигул Ибодова ҳам уларнинг тузоғига илинди. Эри ишдан келганда бўлган воқеани айтиб берди. Нишоннинг номерини кўришса, гувоҳномадагига тўғри келмади, бутунлай бошқа...

Олот тумани ички ишлар бўлими терговчиси Рамазон Сувонов фирибгарларнинг асл башарасини фош қилди. Хўш, улар кимлар, фирибгарликдан кўзлаган мақсади нима?

Улар етти киши, ҳаммаси қўқонлик, бошлиғи 1943 йилда туғилган Нафисахон Толибова. Оилали, 7 нафар боланинг онаси бўлган бу аёл ҳеч қаерда ишламаган. Ҳамшаҳарлари Норинисо Жабборова, Маҳбуба Абдужабборова, Барчиной Жабборова, Дилноза Отажонова, Шаҳноза Ататова, Чаросхон Толибовалар билан жиноий гуруҳ тузган. Олдиндан жиноий тил бириктириб, фирибгарликни ўзларига касб қилиб олган гуруҳ аъзолари фуқароларни лақиллатиб, улар мулкини ўғирлаганлар. Фирибгар аёллар «Қаҳрамон она» нишонининг беш қиррали юлдузи қимматли металл — олтиндан эканлигини билган ҳолда уларни қўлга киритишнинг режасини тузганлар. Қўқондан Олотга ташриф арафасида улар терговда шахси аниқланмаган шахсдан беш қиррали юлдузчаси оддий сариқ металлдан ёпиштирилган «Қаҳрамон она» нишонлари ва сохта юлдузлардан сотиб олишган. Ишнинг силлиқ битиши учун гапни бир ерга қўйишган: «6 та рўмолга битта нишон олувдик, шу нишон ҳақиқийми, солиштириб кўрайлик». Шу гап билан содда фуқароларни чалғитишган ва фирибгарлар олотлик 13 нафар Қаҳрамон онани алдашган.

Юқорида таъкидланган тумандаги «Пахтакор» жамоа хўжалигида яшовчи О. Мўминова уларга бошпана, туз берганда бундай беандишаликка дуч келаман, деб ўйламаганди. Ахир, қишлоқ аёллари меҳмондўст, кўнгли очиқ ва пок бўлишини ҳамма биладику. Шу боис ҳам фирибгарлар вилоятнинг энг чекка туманларидаги қишлоқларида «меҳмон» бўлишган. Албатта давлат баҳосида. Чайқовда эса фалон сўм.

Халқимизда текин луқма тешиб чиқади, деган нақл бежиз айтилмаган. Фирибгарлар ўз жазоларини олдилар. Бу воқеани қаламга олишдан мурод шуки, аёлми, эркакми, ёшми, қарими — ҳаммамиз товламачи, фирибгарлардан ҳушёр бўлайлик. Ҳар бир берилган мукофот қайси даврдагидан қатъи назар муқаддасдир.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қирғизистон Республикаси Давлат мулкчилик фонди томонидан саноат корхоналарини (ИСА) сотиш бўйича биринчи халқаро ким ошди савдоси

Корхоналар акцияларини сотиш бўйича халқаро ким ошди савдоси шартлари

Ким ошди савдосида қатнашиш учун маҳаллий, минтақавий ва халқаро инвесторлар таклиф этиладилар.

Берилган ваколатларга мувофиқ, Давлат мулкчилик фонди (ДМФ) кўрсатилган корхоналарнинг акцияларини сотиш бўйича халқаро ким ошди савдоси орқали қуйидаги тартибда савдога қўяди:

1. Акциялар 1995 йил 8 ноябрда ўтказиладиган очиқ ким ошди савдоси бу ерда кўрсатилган бошланғич баҳода лотлар бўйича қўйилади. Савдо давомида нарх ким ошди савдоси бошланғич баҳосининг чорак фоизигача туширилиши мумкин.
2. Очиқ ким ошди савдосидан сўнг эртасига, 1995 йил 9 ноябрда, сотилмай қолган акцияларни сотиш бўйича ёпиқ ким ошди савдоси ўтказилади. Қатнашчи ихтиёрига кўра, қайси баҳода қанча акцияни сотиб олишини айтиши мумкин. Акциялар энг юқори баҳони таклиф этган кишига сотилади.
3. Манфаатдор томонлар корхоналар ихтисослиги тўғрисидаги маълумотни ИСА консультантлари гуруҳидан бепул, почта орқали шахсан олишлари мумкин. ДМФ ҳам, ИСА консультантлари ҳам берилган ахборот аниқлиги ва тўлиқлиги учун жавобгар эмас. ИСА корхоналарини бориб кўришни истаган потенциал қатнашчилар учун корхонага ташриф уюштириш ташкиллаштирилади.
4. Кафолатли бадал 1995 йил 7 ноябрь соат 14.00 гача ҳужжат билан тасдиқланиши лозим. Тафсилотларни аниқлаштириш учун ИСА консультантлари гуруҳига мурожаат этинг.
5. Ғолиб эълон қилингандан сўнг у ДМФ билан шартномаларни имзолаши ва 15 банк кунида тўловни ўтказиши лозим.

Қирғизистон Республикаси Давлат Мулкчилик қўмитаси фонди раиси А. МУРАЛИЕВ
Раисининг биринчи ўринбосари К. ЎРОЗБОЕВ

Акцияларни сотиш бўйича халқаро ким ошди савдоси консультантлари гуруҳи (ИСА): 770040, Қирғизистон Республикаси Бишкек ш, Фрунзе кўчаси, 475, 2-хонадон. Телефон: 7(3312) 22-84-16. Тел/факс: автожавоб берувчи, 7(3312) 62-08-85. Электрон почта: isa@isa.bishkek.su

хусусийлаштириш

ТОҒ САНОАТИ

"АкТюз" ДАЖ
("Қирғизистон кон металлургия комбинати" — Орловканинг илгариги қисми)
Очиқ аукцион лотлари

акционерлик сармояси %	бошланғич баҳоси
51,00 %	$ 288000
9,99 %	$ 53000
8,51 %	$ 45000

МЕТАЛЛУРГИЯ

"Қирғизистон кимё-металлургия заводи" ДАЖ
("Қирғизистон кон-металлургия комбинати — Орловканинг илгариги қисми)
Очиқ аукцион лотлари

акционерлик сармояси %	бошланғич баҳоси
51,00%	$ 2588000
10,00%	$ 457000
8,50%	$ 397000

ОЙНА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

"Айнек" ДАЖ
(илгариги "Токмак ойна заводи")
Очиқ аукцион лотлари

акционерлик сармояси %	бошланғич баҳоси
51,00 %	$ 2298000
10,00 %	$ 451000
8,89 %	$ 401000

ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ

"Қирғизистон камвольмовут комбинати" ДАЖ
Очиқ аукцион лотлари

акционерлик сармояси %	бошланғич баҳоси
27, 20 %	$ 51000

ЖУННИ ҚАЙТА ИШЛАШ

"Оқ-була" ДАЖ
(илгариги "Осиё" жунни бирламчи қайта ишлаш Токмак фабрикаси)
Очиқ аукцион лотлари

акционерлик сармояси %	бошланғич баҳоси
51,00 %	$ 336000

ГРАНИТ ВА МАРМАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

"Қирғиз Тоо Таш" ДАЖ
(илгариги "Токмак тошини қайта ишлаш заводи")
Очиқ аукцион лотлари

акционерлик сармояси %	бошланғич баҳоси
51,00 %	$ 287000
10,00 %	$ 56000
8,50 %	$ 48000

Қ/Х МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

"Қорасув ёғ экстракция заводи" ДАЖ
Очиқ аукцион лотлари

акционерлик сармояси %	бошланғич баҳоси
51,00 %	$ 372000
10,00 %	$ 73000
9,03 %	$ 66000

ГЎШТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

"Токчулук" ДАЖ
(илгариги "Балиқчи гўшт комбинати")
Очиқ аукцион лотлари

акционерлик сармояси %	бошланғич баҳоси
51,00 %	$ 24000
10,00 %	$ 5000
14,54 %	$ 7000

СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР

"Бишкек ликер-ароқ заводи" ДАЖ
Очиқ аукцион лотлари

акционерлик сармояси %	бошланғич баҳоси
20,00 %	$ 220000

КИЙИМ-КЕЧАК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

"Буғу-Эна" ДАЖ
(илгариги "Қорасув тикувчилик фабрикаси")
Очиқ аукцион лотлари

акционерлик сармояси %	бошланғич баҳоси
51,00 %	$ 183000
10,00 %	$ 36000
9,24 %	$ 33000

ТЕРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ

"Бишкек тери хом ашеси заводи" ДАЖ
Очиқ аукцион лотлари

акционерлик сармояси %	бошланғич баҳоси
51,00 %	$ 78000
10,00 %	$ 15000
7,95 %	$ 12000

ЛАК-БЎЁҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

"Бишкек киме заводи" ДАЖ
Очиқ аукцион лотлари

акционерлик сармояси %	бошланғич баҳоси
51,00 %	$ 143000
10,00 %	$ 28000
14,64 %	$ 27000

ЛИНОЛЕУМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

(илгариги "Кемин линолеум заводи")
Очиқ аукцион лотлари

акционерлик сармояси %	бошланғич баҳоси
51,00 %	$ 636000
10,00 %	$ 125000
9,16 %	$ 114000

ЁПИЛИШ КУНИ — 1995 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ

Шаҳар бедарвоза эмас

ҚУШ ҲАМ НАФСИДАН ИЛИНАР

Сўқмоқ йўл орқали Туркманистон томон йўл олган ЗИЛ-131 русумли, «70-39 КФА» давлат белгили автомашина тўхтатилиб, бўхонна хизмати ходимлари томонидан текширилганда унда умумий баҳоси 13375 сўмлик 1150 кило биринчи навли ун, 1225 кило пиёз ортилганлиги маълум бўлди. Қарши шаҳридаги 9-автокорхонада ҳайдовчи бўлиб ишловчи Собир Шодиев бу маҳсулотларни республикамиздан ташқарига ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб чиқиб кетаётган эди. Наҳот ана шундай қингир ишга қўл ураётган «шоввозлар» ва «қўрқма, ўзим бор» деб уларга шароит яратиб бераётган «акахонлар» бу қилмишлари билан ўз халқи ризқини қияётганларини билмасалар?! Биладилар, лекин балои нафс уларни шу қўйга солади.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.

«Муштум» журнали жамоаси таниқли шоир ва таржимон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими **Зоҳиддин ОБИДОВ**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига, қариндошуруғларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси инкассация бирлашмаси жамоаси бирлашманинг Бухоро вилояти инкассация бошқармаси бошлиғи Азим Шаропович Азизовга волидаи муҳтарамаси **Мушарраф МАВЛОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ватанимиз газеталари ичидан биринчиси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жизгахда -- 3-31-86; Наманганда -- 3-75-43; Самарқандда -- 6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда -- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0436.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи Х. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20. 45.

1 2 3 4 5 6.